Ушбу сонда:
2 ҚАШҚАДАРЁ ИБРАТИ
3 ГИЁҲВАНДЛИК – КАСОФАТ
4 АФИНА ОЛИМПИАДАСИ СОВРИНДОРЛАРИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 12 октябр, чоршанба № 167 (2008)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 октябр куни Оқсаройда Россия Федерациясининг саноат бўйича федерал агентлиги раҳбари Борис Алёшинни қабул қилди.***

Б.Алёшин Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Россия ҳукуматлараро комиссиясининг ҳамраисидир. У мазкур комиссиянинг Тошкентда ўтган навбатдаги мажлисида иштирок этди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарларининг яқинда Санкт-Петербургда бўлиб ўтган учрашуви ҳам ҳамкорликнинг кўлам ва даражасини ҳар томонлама ошириш билан боғлиқ принципиал масалаларга бағишланди.

Меҳмон Ўзбекистон ва Россия раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришда, айниқса, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришда муҳим омил бўлаётганини қайд этди. Ҳукуматлараро комиссиянинг Тошкентда ўтган навбатдаги мажлиси юксак савияда ташкил этилгани ва муваффақиятли якунланганини алоҳида таъкидлади. Самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

## НАМАНГАНЛИК ПАХТАКОРЛАР ЗАФАРИ

***Сўнгги тўққиз йил давомида Наманган вилояти пахтакорлари пахта етиштириш бўйича белгиланган шартнома режасини бажара олмай келар эди. Бу йилги мавсумда эса улар давлатга пахта сотиш бўйича шартнома мажбуриятини ортиғи билан адо этиб, зафар маррасини эгаллади.***

Вилоят ҳокимлигидан маълум қилишларича, тайёрлов пунктларига 261 минг тонна пахта топширилди, ҳосилдорлик ҳар гектардан 27,7 центнерни ташкил этди. Бу - қишлоқ хўжалигида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш самарасидир. Пахтакорлар чигитни эрта экиш, оби-тобида суғориш, ерга етарли миқдорда минерал ўғитлар солиш ва бошқа замонавий агротехника тадбирларига қатъий амал қилдилар ва бу мўл ҳосил етиштиришда муҳим омил бўлди.

Пахта йиғим-теримида корхона ва ташкилотлар ходимлари фаол иштирок этди, маҳаллалар аҳли ҳам деҳқонларга яқиндан ёрдам берди.

Айниқса Поп, Чуст, Тўрақўрғон, Норин, Наманган, Уйчи, Учқўрғон туманлари меҳнаткашлари пахта мавсумида бошқаларга ўрнак бўлиб, умумий хирмонга катта ҳисса қўшди. «Олмос», «Дўстлик», «Кайкиобод», Беруний номидаги, «Навбаҳор», «Наврўз» каби илғор ширкат хўжаликлари юқори ҳосилдорликка эришди ва мавсумнинг биринчи ойидаёқ режа топшириғини бажарди.

Вилоят пахтакорларининг шуҳратини тиклашга фермер хўжаликлари салмоқли ҳисса қўшди. Улар ҳосилнинг 58 фоиздан ортиғини етказиб берди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, бу йил вилоятда пахта етиштиришдан кутилаётган ялпи даромад 71,4 миллиард сўмни ташкил этиши ва 9,1 миллиард сўм соф фойда олиш кутилмоқда.

**Илҳом РАЗЗОҚОВ,**
**ЎзА мухбири**

## ЎЗБЕКИСТОН ПАХТА ЯРМАРКАСИ АНЪАНАВИЙ ТУС ОЛАДИ

### Биринчи Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркаси кунларида 1,1 миллион тонна пахта толасини етказиб бериш бўйича 90 дан ортиқ шартнома имзоланди

***Бу дастлабки маълумот бўлиб, шартнома тузиш ишлари давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги маълумотларига кўра, ярмаркада эришилган келишувларга биноан Тошкентда сотиб олинадиган пахта толасининг умумий миқдори 1,5 миллион тоннани ташкил этади.***

Бу ҳақда ярмарканинг дастлабки натижаларига бағишланган мажлисда маълум қилинди. Аввал хабар қилинганидек, ярмарка Ўзбекистон ҳукумати томонидан Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитаси, жаҳоннинг энг йирик пахта бўйича ихтисослашган нашрларидан бири «Cotton Outlook» журнали билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда 26 мамлакатдан 200 дан ортиқ компания вакиллари иштирок этди.

Биринчи Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркасининг ўтказилиши Президент Ислом Каримов томонидан қўйилган ўзбек пахтасини жаҳон бозорида сотишнинг замонавий эркин механизмини яратиш вазифасини бажаришда навбатдаги босқич бўлди. Республикамиз халқаро пахта савдосида етакчи ўринлардан бирини мустаҳкам эгаллаб турибди. Ўзбек пахтасининг сифати бутун дунёга машҳур, уни ўнлаб мамлакатлар харид қилмоқда.



(Давоми 3-бетда)

## ЎЗАРО МАНФААТЛИ МУЛОҚОТЛАР

***Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги мажлиси якунига етди. Мажлиснинг иккинчи куни иштирокчилар гуруҳларга бўлиниб, турли йўналишларда ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари юзасидан фикр алмашдилар. Хусусан, банклараро алоқалар, ижтимоий-маданий, илм-фан ва таълим соҳаларидаги муносабатларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.***

Ўзбекистон ва Россия ўртасида илм-фан соҳасида ҳам самарали алоқалар йўлга қўйилган. Сўнгги вақтларда фазони биргаликда тадқиқ этиш ишлари билан бу борадаги ҳамкорликнинг янги қирраси очилди. Тадбирда коинот тадқиқотларини, шунингдек, икки томонлама илмий-техникавий алоқаларни, Ўзбекистон ва Россия олимларининг ўзаро мулоқотларини янада фаоллаштириш масалалари атрофлича муҳокама этилди.

Томонлар ўзаро ҳамкорликни бугунги кун талаблари, ҳозирги сиёсий-иқтисодий воқелик нуқтаи назаридан таҳлил қилиб, келажакка йўналтирилган янги қўшма режа ва лойиҳаларни ишлаб чиқишда мазкур мажлис муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

(ЎзА)

*Бир Фармон шарофати*

## ОИЛАВИЙ БИЗНЕС — ФАРОВОНЛИК МАНБАИ

***Президентимизнинг Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармони хотин-қизлар ҳаёти, турмуши, жамиятда тутган ўрни билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга қаратилган. Қашқадарё вилоятида аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни иш билан таъминлаш, турмуш фаровонлигини яхшилаш бўйича ибратли ишлар қилинаяпти.***

Шаҳар, туман ҳокимликлари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси, хотин-қизлар қўмиталари янги иш ўринларини яратишни назарда тутиб, мавжуд 174 минг хонадонда аёлларнинг бандлик даражасини ўрганиб чиқдилар. Бунинг натижасида 2005-2007 йилларда хотин-қизларни иш билан таъминлаш дастури тузилди. Унинг асосий вазифаси кам таъминланган оилаларнинг ижтимоий муҳофазалаш, аёлларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини кучайтириш, оилавий бизнесни ривожлантириш, тадбиркорларга мақсадли микрокредитлар ажратишдан иборат.

Қадимий ва ҳамиша навқирон Шаҳрисабзда паррандачилик билан шуғулланиш учун кредит ажратиш тажрибаси биринчи бўлиб қўлланилган эди. Ташаббус яхши самара берди. Айни пайтда тижорат банкларида ҳисоб рақамларини очган 600 дан ортиқ тадбиркор аёлнинг 450 нафари паррандачилик билан шуғулланмоқда. Уларнинг ҳар бирига 400-500 минг сўм миқдорида микрокредит берилган.

Калакон қишлоғида яшовчи Зулфия Ёрова паррандачиликка ихтисослашган «Шамс-Б» хусусий фирмаси билан шартнома тузиб, 200 дан ортиқ парранда парвариш қилмоқда. Уй хўжалигида етиштирилган тухум истеъмолчиларга етказиб берилиб, катта фойда олинаяпти.

Зулфиянинг ҳамқишлоқлари Озода Ҳайитова, Саодат Суюнова, Барно Фармоновалар зотдор жўжа, тухум ва парранда гўшти етиштириш билан шуғулланаётган бўлсалар, Хўжахуросонлик Марям Тошпўлатова 12 сотихлик майдонда иссиқхона хўжалиги барпо этган. Турмуш ўртоғи Абдулла Ҳақназаров билан 6 нафар фарзандни вояга етказмоқда. Рўзғорида ҳамма нарса етарли. Миллионлаб фойда олаяпти.

Шаҳрисабзлик ишбилармон Баҳодир Алиқулов Тошкентдаги «Иффатли келин» ўқув маркази билан ҳамкорликда туманда мазкур марказнинг филиалини очди. Унда юзлаб хотин-қизлар тадбиркорлик фаолиятини юритиш ва оила бюджетини юксалтириш бўйича зарур билим ва кўникмаларни ўзлаштиришаяпти.

Курс қатнашчилари костюм-шимлар ва элита пардалар тикиш, мунчоқ билан безаш, европача услубда соч турмаклаш, маникюр, педикюр ва миллий таомларни тайёрлаш сир-асрорларини ўрганишмоқда. Ўқув марказининг дастурида нафақат ёшларга миллий ҳунармандчилик касбини ўргатиш, балки уларга ўзбекона муомала маданиятини, оила эстетикасидан ҳам сабоқ бериш мўлжалланган.

Зангиота қишлоғида яшовчи Муҳида Ҳимматова оиласига 4 сотих булғор қалампири 2 миллион сўм даромад келтирди. Заргарлик маҳалласида яшовчи Фарида Бекназарова тўн тикиш, хўжахуросонлик Шуҳратой Муродова, Нилуфар Сафарова миллий каштачилик, Хўжамурод бахши маҳалласида истиқомат қилувчи Гавҳар Турдиқулова зардўзлик буюмлари тайёрлаш билан машғул.

Тузилган дастурга мувофиқ йил давомида 21,8 мингта иш ўринлари яратиш режалаштирилган. Ҳозирга қадар 17 мингта иш ўринлари вужудга келтирилди. Янги иш ўринларининг 57 фоизи тоғли туманлар ҳудудига тўғри келади.

Мавжуд 541 та фуқаролар йиғинларидаги аҳвол пухта ўрганилиб, хотин-қизларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш, ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш, кичик бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаяпти. Саноат ишлаб чиқаришни тараққий эттириш имконияти кам бўлган тоғли ва тоғолди туманларида 9,1 мингта юридик мақомга эга деҳқон хўжаликлари ташкил этилиши эвазига 4,7 минг хотин-қиз ўз иш ўрнини топди.

Тадбиркорлик соҳасида аҳоли бандлигини ошириш мақсадида иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси томонидан 603,6 миллион сўм кам таъминланган оилаларга микрокредитлар сифатида берилди. Маблағларнинг асосий қисми ишсизлик даражаси юқори ҳисобланган Шаҳрисабз, Китоб, Чироқчи, Қамаши, Деҳқонобод туманларига йўналтирилди.

Вилоят маркази Қарши шаҳрида ҳам оилавий тадбиркорлик кенг қулоч ёйган. Ҳозиргача 600 нафар фуқаро оилавий бизнес билан банд. Улардан 471 нафарига имтиёзли кредит берилган. Бунинг ҳисобига 114 та янги иш ўринлари яратилди.

Кунчиқар маҳалласида яшовчи Шукурхон Дарябоева банкдан кредит олиб, паррандачиликни йўлга қўйди. Ҳарамжуй маҳалласи фуқароси Рўзигул Ғаффорова имтиёзли кредит ҳисобига 4 бош қорамол ва 10 бош қўй сотиб олди. Ҳалол меҳнат туфайли оила бюджети мустаҳкамланиб, набираларининг суннат тўйини ўтказди. Бундай фаровон ҳаёт кечираётган юзлаб оилаларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

«Тижорат банклари томонидан иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси кредит линиялари ҳисобидан оилавий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар бериш тўғрисида»ги Низомга мувофиқ тадбиркорларга икки йил муддатга 2,7 фоиз устама билан кредит берилаяпти.

Бундан уч йил муқаддам 289 та оилавий тадбиркорга 172 миллион 395 минг сўм имтиёзли қарз берилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида 663 та ишбилармонга 418 миллион 590 минг сўм миқдорида маблағ ажратилди. Оилавий бизнесни йўлга қўйиш учун қўл урган кишиларга 1 миллион 170 минг сўмгача кредит берилаётганлиги иқтисодий аҳволни яхшилашга ижобий таъсир кўрсатаяпти.

2005-2007 йилларда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан 65,8 мингта иш ўринлари яратиш вазифаси қўйилган. Жорий йилнинг ўтган даврида 11 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди. 2 мингдан ортиқ хотин-қизлар иш билан таъминланди.

Оила тинч – юрт тинч. Маънавий муҳитнинг соғлом бўлиши уй бекаларига боғлиқ. Аёллар фойдали иш билан банд бўлса, рўзғори янада фаровонлашади. Қишлоқ ва маҳаллаларда бекор турган бинолар хуссийлаштирилиб, янги иш ўрни яратишга жазм қилган тадбиркорларга берилаяпти. Шаҳар ва туманларда фаолият кўрсатаётган «Аёллар ресурс марказлари» оилавий бизнесни ривожлантириш, хотин-қизларни иш билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшаяпти.

**Н.НИШОНОВ**

*Оролбўйидан мактублар*

## МЎЙНОҚНИНГ ҚАЙНОҚ ҲАЁТИ

Вазирлар Маҳкамасининг «Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида тармоқни монополиядан чиқариш ва рақобат муҳитини шакллантириш, хусусий мулкчиликни ривожлантириш, балиқ овлаш ва балиқчилик корхоналари фаолиятини ташкил этишда бозор механизмларини жорий қилиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Бир вақтлар Мўйноқ балиқчилигининг шуҳрати Марказий Осиёга ёйилган эди. Орол денгизининг қуриши туфайли катта-кичик кўллар юзага келди. «Амударё» балиқчилик хўжалигида табиий ресурсларнинг камайиб кетиши оқибатида мураккаб иқтисодий аҳвол пайдо бўлди.

Ҳукумат қарорига мувофиқ масъулияти чекланган жамият ташкил этилиб, корхона мол-мулки хусусийлаштирилди ва жамоага хўжалик фаолиятини мустақил юритиш ҳуқуқи берилди. Хусусий корхона ихтиёрига «Дарёоралиқ» сунъий денгизига қарашли «Кўксув», «Олидарё», «Торф» кўллари ҳудудидаги 4458 гектар сувли ҳавза ажратиб берилди. Натижада тармоқни ривожлантиришда бир мунча ютуқларга эришилмоқда. Кўлларга балиқ уруғи ташланиб, уларни кўпайтириш чоралари кўрилаяпти. Моддий техника ва озуқа базаси мустаҳкамланаяпти.

Табиий сув ҳавзаларини балиқ овлаш учун бириктириб қўйилганлиги ва улардан фойдаланиш тартиби ўзгарганлиги катта иқтисодий самара берди. Эндиликда балиқ овлаш миқдорини мавжуд ресурслардан келиб чиққан ҳолда белгилаймиз. Ижарачиларнинг моддий манфаатдорлиги оширилганлиги, маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга олиб келаяпти.

Бултур жамият томонидан 70 тонна ўрнига 73 тонна балиқ овланиб, истеъмолчиларга етказиб берилди. Жорий йилда уни 80 тоннага етказиш мўлжалланган. Асосий эътибор балиқлар муҳофазасига қаратилган. Хўжаликда 70 та тажрибали ходимни бирлаштирган 4 та бригада ишлаб турибди. Улар моторли қайиқлар ва балиқчилик асбоб-ускуналари билан таъминланган. Бир йўла 30 тонна маҳсулот сақланадиган катта музлатгич бор. Қарийб чорак асрдан бери ота-боболари касбини улуғлаб келаётган Байрам Қалиев, Жалғасбой Ембергенов, Бўронбой Абдумуротов, Арслонбой Жейимуродов каби фидойилар балиқ овлаш миқдорини ошириш билан бирга уларни урчитиб кўпайтиришга ҳам алоҳида эътибор беришаяпти. Шу боис, шартнома режалари ошириб уддаланмоқда.

Айни пайтда ташкил этилган балиқчиликни ривожлантириш илмий-тадқиқот маркази билан ҳамкорликда селекция-наслчилик ишлари, балиқ касалликларининг олдини олиш ва даволаш бўйича зарур тадбирларни амалга ошириш, озуқа билан таъминлашда корхоналарга кўмаклашиш йўлга қўйилса, нур устига аъло нур бўлур эди. Жамият йилига 1,5 миллион банка балиқ консерваси тайёрлайдиган корхонани ташкил этишни мўлжалламоқда. Унинг ишга тушиши истеъмол бозорини ушбу маҳсулотлар билан янада кўпроқ тўлдириш, уларни сақлаш ва консервалар тайёрлашни кўпайтириш имконини яратади.

Сунъий об-ҳаёт ҳавзаларида тўпланган сув қуёшнинг заррин нурларида ўзгача жилоланади. Кўлларда балиқ овловчиларнинг қайиқлари сузиб юрибди. Ота-боболари касбини асраб-авайлаб келаётган Мўйноқ балиқчилари эл-юрт дастурхонига кўпроқ балиқ гўшти етиштириб бериш йўлида фидокорона меҳнат қилишаяпти.

**Қ.БЕКМУРОТОВ,**
**«Амударё» масъулияти чекланган жамият раиси**

## ЖИЗЗАХ ГИПСИ ХАРИДОРГИР

***Жиззах шаҳридаги 1-қурилиш материаллари комбинати ўрнида эндиликда «Иморат АДА» хусусий тижорат фирмаси фаолият кўрсатмоқда.***

Айни кунларда бу ерда ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли гипс ўз харидорини топмоқда. Масалан, пойтахтимиздаги мустақиллик майдонида қад ростлаган «Турналар» монументи Жиззах гипсидан барпо этилди. Қурилиш учун 20 тонна гипс етказиб берилди.

Шунингдек, Тошкентдаги Алишер Навоий боғига кираверишдаги дарвоза, Самарқанд ва Қарши шаҳарларидаги мадрасалар, тарихий обидаларни таъмирлаш учун ҳам ушбу маҳсулотдан фойдаланиляпти. Хуллас, корхона ҳар ойда 200 тоннадан зиёд маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб бермоқда.

**Б.НОРҚУЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик*

## ҚОҒОЗБОЗЛИК, РАСМИЯТЧИЛИК

### меҳнат фахрийси манфаатига путур етказди

***65 ёшни қаршилаган Турсун Шоматовни Бобур номли ширкат хўжалигида барча ҳурмат қилади. У умрбўйи турли вазифаларда сидқидилдан меҳнат қилиб, пахтачиликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшди. Бироқ, ҳаётда ҳамма нарса сен ўйлаганча, хоҳлаганча бўлавермас экан. Отахон пенсияга чиққанида кимларнингдир айби билан идорама-идора сарсон бўламан, деб сира ўйламаганди.***

Бу кўпчиликни ҳақли равишда ўйлантиради. Чунки хўжалик маҳсулот етиштиришдан яхшигина даромад олиб, ўзини тиклаб олганди. Қизиқ, бир касалманд, собиқ мутахассисни қўллаш, унга одамийлик қилиш нари қарор ижросини бажармаслик мақсадида яна турли важларни рўкач қилишди. Таажжубланарли жойи шундаки, собиқ агроном-энтимологни қаттиқ туриб ҳимоя қилишга даъват этилган вилоят тармоқ касаба уюшма кенгаши ширкат хўжалиги бошқарувининг алоқа хатини инобатга олиб, қарор устига қарор чиқарди. Лекин, ижроси устида жон койитмади. Орада кекса инсон овораю сарсон бўлди.

Воқеа хусусида батафсил тўхталайлик. Турсун Шоматов хўжаликда агроном-энтимолог эди. Пахта майдонларига химикатлар билан ишлов бериш ҳамиша машаққатли кечарди. Кунларнинг бирида химикат тўлдирилган идиш ёрилиб, мутахассис қаттиқ заҳарланди ҳамда ҳушини йўқотди. Воқеа тепасида бўлган бош агроном Кароматов, тракторчи Бобораҳимов, омбор мудири Ҳайитов биргаликда уни касалхонага олиб боришади. Ўша куни гувоҳлар иштирокида тузилган далолатномада Т.Шоматов қаттиқ заҳарланганлиги қайд этилади.

Табиийки, «эҳтиёткор» хўжалик раҳбарлари ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса рўй берганлигини яширишади. Уни махсус журналга қайд этишмайди. Оққўнгил, андишали агроном-энтимолог ҳам ҳақ-ҳуқуқини талаб қилишга истиҳола қилади. Бироқ, ўринсиз андиша ҳамиша қимматга тушади. Пировард натижада жабрланувчига ҳеч қандай маънавий зарар ва товон пули тўланмаган.

Орадан йиллар ўтди. Бу орада отанинг соғлиги ёмонлашди. У меҳнат қобилиятини 50 фоизга йўқотганлиги аниқланиб, III-гуруҳ ногиронлиги тайинланди. Кейинроқ қарилик пенсиясига чиқади. 2003 йилга келиб, ТМЭКнинг кўрик натижасига кўра касаллик аниқланиб, II-гуруҳ ногиронлигига ўтказилади.

Иссиқ жонда, кунларнинг бирида Т.Шоматовнинг соғлиғи ёмонлашиб, республика касб касалликлари илмий-текшириш институтида даволаниш учун эҳтиёж сезилади. Бобур номли хўжаликка меҳнати сингган, пахтачилик ривожига муносиб ҳисса қўшган меҳнат фахрийси маъмуриятдан моддий ёрдам сўрайди. Бироқ, хўжалик бошқаруви раиси, касаба уюшма қўмитаси раиси у-буни баҳона қилиб, илтимосини рад этадилар. Ҳотки шунчалар қийин бўлса. Боз устига Турсун ота касб касаллиги учун хўжаликдан ички нафақа пули олиши керак бўлгани ҳолда, инсоф ўзларига берсин, қабилида иш юритаётганди. Бундай муносабат қарияга оғир ботди. У Сурхондарё вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кенгашига хат орқали мурожаат қилиб, нафақа пули ундиришда ёрдам сўради.

2004 йил январида шу қўмита раиси Қ.Хайтмуродов имзоси билан раёсат қарори чиқарилди. Унда хўжалик 2001 йил январ ойидан 2004 йил январига қадар 371.694 сўм миқдорида зарар тўлови, 2004 йил январидан эътиборан ойига 14.024 сўм нафақа тўлаши керак, деган хулосага келинди.

Бироқ, ширкат раҳбарлари қарор ижросини бажармаслик мақсадида яна турли важларни рўкач қилишди.

Кўп ўтмай, хато йўл тутишганидан огоҳ тортиб, яна бир қарорни дунёга келтиришди. Қарангки, унда барча тўловлар ва нафақа пули туман ижтимоий таъминот бўлими томонидан ундирилиши кераклиги таъкидланганди. Қарор Сариосиё туман суд ижрочилари бўлинмаси катта суд ижрочиси И.Бердиевга жўнатилди. Маълумки, хўжалик иқтисодий таназзулга учраса ёки тугатилсагина юқоридаги каби тўхтамга келиш мумкин эди. Шу боис, қайд этилган маблағларни туман ижтимоий таъминот бўлими орқали ундиришнинг иложи йўқ эди. Хуллас, фойда бермайдиган қарорлар, бор онангга, бор отангга қабилидаги ишлар оқибатида меҳнат фахрийси Т.Шоматов қанчалар қийналди. Қишлоқдан Термизга қатнай-қатнай ҳафсаласи пир бўлди. Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма вилоят кенгашидан кўнгли совиди.

Отахон энди туман прокуратурасига мурожаат қилди. Иш атрофлича ўрганиб чиқилди. Натижада меҳнат фахрийсининг мушкули ҳар ҳолда осон бўлди. Хўжалик аъзоларининг умумий йиғилиши қарорига кўра, Т.Шоматовга 2005 йил 1 майигача бир йўла хўжалик ҳисобидан 470.000 сўм зарар суммаси берилиши ва 1 майдан эътиборан ҳар ойда 10.842 сўмдан ички пенсия тайинланиши қайд этилди.

Ўйлаб қоласан киши. Ахир меҳнаткаш инсон ҳаёти билан боғлиқ оддий бир муаммони ҳал қилиш наҳотки шунчалар оғир кечса. Ота йиллар мобайнида югур-югур, қатна-қатналарга қанчадан-қанча маблағ сарфлади, асаблари қақшади, соғлиғига зиён етди. Энди хўжалик мутасадди раҳбарлари, масалага юзаки ёки бир томонлама ёндошганлар қандай фикр билдиришаркин?

**Т.ЖАЛИЛОВ**

# ЎЗБЕКИСТОН ПАХТА ЯРМАРКАСИ АНЪАНАВИЙ ТУС ОЛАДИ

(Боши 1-бетда)

Бу борада пахтани етиштириш, тайёрлаш, сақлаш ва транспортировка қилишни таъминлаш, бозор коньюнктурасига қараб экспорт нархларини белгилаш тизими шакллантирилди. Бу эса чет эллик харидорларнинг шартномалар тузиши учун қулай шароит яратмоқда. Ўзбекистоннинг ҳамкорлари ички бозоримизда ўзини эркин ҳис қилмоқда. Шундай бўлса-да, пахтани сотиш механизмини такомиллаштириш давом этмоқда. Тошкентда ўтказилган ярмарка бунинг ёрқин исботидир. Унда тадбиркорлардан ташқари пахта бозорида мониторинг билан шуғулланувчи хорижлик таҳлилчилар, экспертлар ҳам иштирок этди. Уларнинг тадқиқотлари Ўзбекистонда пахтачилик соҳаси катта салоҳиятга эга эканини тасдиқлади.

Ярмаркада имзоланган шартномаларнинг ярмидан кўпи 2006-2007 йилги пахта ҳосили учун тузилгани эътиборга молик. Бу хорижлик шерикларнинг узоқ муддатли ҳамкорлик қилишга интилаётгани, уларнинг иқтисодиётимизнинг барқарор ва мустаҳкамлигига бўлган ишончидан дарак беради. Ўзбек пахтасини экспорт қилиш географияси ҳам кенгайди. Масалан, Хитой, Россия, Корея Республикаси, Бангладеш, Ҳиндистон, Покистон, Вьетнам ва қатор бошқа мамлакатлар тадбиркорлари томонидан харид қилинган пахта миқдори ошди. Ушбу жараённи янада ривожлантириш мақсадида пахтамизга талаб юқори бўлган хорижий давлатларда йирик омборлар ташкил этишга қарор қилинди. Ярмаркада хитойлик шериклар билан ана шундай омбор ташкил этиш тўғрисида шартнома тузилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси ва Москва Фонд биржаси ўртасида ҳамкорликда фаолият юритиш тўғрисида шартноманинг имзоланиши ярмарканинг муҳим натижаларидан бўлди. Чунончи, ушбу шартномага мувофиқ, Москвада ўзбек пахтасининг бўлажак истеъмолчилари учун ЎзРТХБнинг савдо майдончаси ва консигнация омбори ташкил этилади. Шартнома ҳар икки мамлакат биржалари технологиялари асосида ҳукуматлараро товар маҳсулоти ва молия бозорини яратишга хизмат қилади.



Ярмарка иштирокчилари республикамиз жаҳон бозорида сотишни мўлжаллаётган пахта толаси навлари билан батафсил таништирилди. Бунинг учун махсус экспозиция ташкил этилди. Бундан ташқари, чет эллик тадбиркорлар ва савдо агентлари Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги «Уфқ» фермер хўжалиги ва Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги номидаги пахта заводи, шунингдек, Тошкент шаҳрининг Сирғали туманида жойлашган «Тошкент-Тола» ҳудудий пахта терминалида бўлди. Улар Ўзбекистон пахтачилигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида юз берган ижобий ўзгаришларнинг бевосита гувоҳи бўлди.



- Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркаси юксак савияда ташкил этилди, - дейди Ҳиндистоннинг «Компитент Груп оф Компаниз» компаниялари уюшмаси вице-президенти Хананжит Сингх Сахдев. - Музокаралар жуда самимий руҳда ўтди. Биз пахта толасини ишлаб чиқариш жараёни ва халқаро стандартларга мос келадиган савдо шартлари билан танишдик. Ўзбекистон пахта ярмаркаси илк бор ўтказилганига қарамай, унда ташкил этилган тадбирлар савияси Ливерпулдагидан кам бўлмади. Фикримча, ушбу ярмарка Осиё пахта бозорида мезон вазифасини ўтайди. Биз Ўзбекистон жаҳон пахта бозорининг етакчиларидан бири эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

- Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркасидаги иштирокимиз жуда самарали бўлди, - дейди Россиянинг «Стэп Плюс» ёпиқ акциянерлик жамияти директори Александр Логинов. - Кўп миқдорда пахта толаси етказиб бериш бўйича шартнома имзоладик. Энди уни бошқа мамлакатлардаги трейдерлар орқали эмас, балки бевосита Ўзбекистоннинг ўзидан оладиган бўлдик. Ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамланади, деб умид қиламан. Жаҳон пахта бозорида катта воқеага айланган ушбу ярмарка якунлари ҳамкорлигимизнинг янада ривожланишига ишонч бағишлайди.

- Тошкентда турли мамлакатларнинг кўплаб компаниялари вакиллари пахта толасини сотиб олиш билан боғлиқ барча масалаларни амалий ва бевосита муҳокама қилиш имконига эга бўлди, - дейди Халқаро пахтачилар ассоциацияси вице-президенти Питер Вэйкфилд. - Ўзбекистон пахта ярмаркасини мунтазам ўтказишга қарор қилинганидан жуда мамнунман.

Ҳақиқатан ҳам, энди Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркаси анъанавий тус олади. Биринчи Ўзбекистон пахта ярмаркаси ташкилотчилари ва иштирокчилари шундай фикрга келишди.

**А.ИВАНОВА, О.НОРБЕКОВ, Ғ.САЙДУЛЛАЕВ, ЎзА махсус мухбирлари**




*Футбол*

## РОБЕРТО КАРЛОС ЙЎЛГА ОТЛАНМОҚДА

Бразилия терма жамоаси ва Мадриднинг «Реал» клуб ҳимоячиси Роберто Карлосни танимайдиган футбол мухлиси бўлмаса керак. Ким унинг ўйинини, хусусан, жарима зарбаларини бевосита томоша қилишни истамайди дейсиз. Воқеаларнинг ривожидан ҳадемай ўзбекистонлик ишқибозлар шундай бахтга муяссар бўладиган кўринади.

Гап шундаки, машҳур футболчи Қатар клубларидан бири билан музокара олиб боряпти. Агар музокара хайрли тугаса, Р.Карлос 16 миллион фунт стерлинг эвазига Яқин-Шарқда тўп сурадиган бўлади. Ажаб эмас, Осиё чемпионлар лигаси ўйинларида бразилиялик юлдузни Тошкентдами, Қаршидами, Фарғонадами Қатар клуби таркибида кўрсак...

*Бокс*

## ВИТАЛИЙ КЛИЧКОНИ ТАНИЙСИЗМИ?

Маълумки, украин боксчиси Германияда машғулотлар олиб боради. У 12 ноябрда Хасим Рахмон билан жанг қилишидан хабардорсиз. Ушбу учрашув учун АҚШга йўл олишдан аввал В.Кличко ғайриоддий анъанавий акцияда қатнашди. Яъни, Германияда машҳур нашрлардан ҳисобланмиш «Frankfurtez Allgemeine» ҳафталиги учун суратга тушди. Энди унинг кимлигини аниқлаш газетхонларга ҳавола. Таҳририят суратни шундай тарзда эълон қиладики, ким тасвирланганлигини уни яхши билган, таниган ёки синчиклаб кузатиб юрган ашаддий ишқибозларгина аниқлаши мумкин.

Бундай акцияларда канцлер Гельмут Коль, «Формула-1» пойгачиси Михаэл Шумахер каби атоқли шахслар ҳам иштирок этишган эди.

*Шоҳмот*

## ПЕШҚАДАМ ДУРАНГГИ

Аргентинада ўтаётган жаҳон чемпионатида пешқадам бўлиб турган болгариялик Веселин Топалов 11 турда Майкл Адамс билан дурангга имзо чекди. Бу duranг россиялик Пётр Свидлерга қўл келди. У юртдоши Александр Морозевични таслим этиб, очколари сонини 7 тага етказиб олди. В.Топаловда эса 8,5 та очко бор. Учинчи ўрин ҳиндистонлик шоҳмот устаси Вишванатан Анандга тегишли бўлиб турибди. У бунга ҳамюртимиз, амалдаги жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов билан ўтказилган ўйиндан сўнг эришди. Рустам 4,5 очко билан олтинчи ўринда бормоқда.

Навбатдаги турда Қосимжонов англиялик Адамсга қарши дона суради. Топалов эса Свидлерни синовдан ўтказади. Агар ушбу матч россиялик шоҳмотчи фойдасига ҳал бўлса, пешқадамлик учун кураш янада қизғин тус олади. Борди-ю омад болгариялик спортчига кулиб боқса, у амалда жаҳон чемпионлигини қўлга киритади.

*Теннис*

## ЛИХОВЦЕВА ВА АНДРЕЕВ ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАШДИ

1990 йилдан буён ўтказиб келинаётган «Кремл кубоги» анъанавий халқаро теннис турнири старт олди. Мукофот жамғармаси 2 миллион 300 минг доллар бўлган нуфузли турнирнинг биринчи куни Елена Лиховцева ва Игорь Андреевга омад келтирди. Елена ҳамюрти Вера Душевинани уч сет натижасига кўра енгган бўлса, Игорь германиялик теннисчи Филипп Кольшрайберни икки сетда осонлик билан мағлуб этди. У кейинги турда Франция вакили Анро Клеман билан куч синашади.

*Баскетбол*

## ЎЗИГА ХОС АЙИРБОШЛАШ

Баъзан спортда шунақаси ҳам бўлиб туради. Миллий баскетбол ассоциациясининг «Бостон Селтикс» ва «Лос-Анжелес Клипперс» клублари раҳбарлари ўзларининг икки пешқадам ўйинчиларини айирбошлашга томон қараб кетаяптилар. Музокара натижа берадиган бўлса, Пол Пирс «Селтикс», Кори Мэгетт «Клипперс» билан хайрлашади.

Бу айирбошлашдан ким ютади – ўйинчиларми ёки клублари, ҳадемай маълум бўлади.

## ҚИЗИҚИШ БИЛАН ЎРГАНИЛДИ

***Андижон вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси билан Хитойнинг Синцзян-Уйғур автоном тумани қишлоқ хўжалиги академияси ўртасида ҳамкорлик шартномаси имзоланди.***

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ходимлари Хитой Халқ Республикасининг автоном тумани билан кўп йиллардан бери ҳамкорлик қилиб келишади. Андижонликлар пахта ва бошқа техник экинларни плёнка остига экиш, бир гектар ерга 220 минг тупгача ғўза етиштириш имконини берувчи жуфт қатор қилиб экиш услубларини ўзлаштиришди.

Хитой делегацияси бир ҳафта давомида вилоятнинг Избосган, Хўжаобод, Балиқчи ва Асака туманларидаги ширкат ва фермер хўжаликларида бўлишди. Хорижлик меҳмонлар, шунингдек, Андижон қишлоқ хўжалиги институти, дончилик, дуккакли ўсимликлар, пахтачилик илмий текшириш институтларида бўлиб, андижонлик олим ва деҳқонларнинг тажрибалари билан танишишди. Чет эллик мутахассислар қишлоқ зараркунандаларига қарши курашда фойдали ҳашаротларни кўпайтириш услубларини ҳам катта қизиқиш билан ўрганишди.

*Ислоҳот мевалари*

***Сурхондарё вилоятининг Шўрчи шаҳрида ҳам ободонлаштириш ҳамда бунёдкорлик ишлари уюшқоқлик билан амалга оширилмоқда. Оддий кишиларнинг ўзаро мулоқоти жараёнида «Шўрчи ҳам Деновга тенглашиб қолди» қабилидаги гапларни эшитиш мумкин. Бу гапда жон бор. Замонавий тарзда қурилган бозор, равон кўчалар бўйлаб одимлаб бораркансиз, шарқона услубдаги бинолар, маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасаларини кўриб дилингиз қувнайди.***

## МАҲСУЛОТ СИФАТИ

### корхона кўзгуси

Бу ўзгаришларда «Шўрчидонмаҳсулотлари» акционерлик жамиятининг ҳам ҳиссаси бор. Чорак асрдан буён фаолият юритиб келаётган бу корхонада 800 нафардан зиёд киши меҳнат қилади. Уни соҳа мутахассислари вилоятнинг бош тегирмони дейишади. Биргина ўтган йилнинг ўзида 162 минг 207 тонна дон қайта ишланиб, юқори сифатли ун маҳсулотлари харидорларга жўнатилди.

Корхона ишчи-хизматчилари сифат даромад манбаи эканлигини яхши билишади. Шу боис пировард натижа учун барча ўзини масъул деб билмоқда. Қувончлиси шуки, ўтган йилдан бошлаб «Шўрчидонмаҳсулотлари» корхонаси тотли маҳсулотини хорижга ҳам экспорт қила бошлади.

Кўп нарса кайфиятга боғлиқ. Буни яхши англаган жамият раиси Уйғун Бекмуродов, мутахассислар ҳар бир цех, бўлинмада соғлом, ишчанлик муҳитини яратишга эътиборни кучайтиришган. Ҳалол меҳнат қилганлар ҳурмат-эътиборга сазовор бўлмоқда, маошига барака кирмоқда. Бирор ишчи тўй ёки маърака ўтказса, корхона маъмурияти, касаба уюшма қўмитаси томонидан қўллаб-қувватланади. Бу ерда фаолият юритаётган бирон киши норози бўлмаслиги керак. Маъмуриятнинг шиори шундай.

Корхона вилоятдаги бешта тумандан ғалла қабул қилиб олиб, қайта ишлайди. Ширкат ва фермер хўжаликлари билан тузилган шартномага қатъий амал қилинмоқда. Топширилган ҳосил учун вақтида ҳисоб-китоб қилинади. Сўнгги йилларда яхши анъана шаклланди. У ҳам бўлса ғалла ўрим-йиғими олдидан 114 минг тонна донни сақлаш қувватига эга бўлган омборлар талаб даражасида таъмирдан чиқарилади. Бу сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда муҳим рол ўйнамоқда.

Ҳозирги кунда корхонада ўз касбининг усталари жуда кўп. Цех бошлиқлари Шокир Азизов, Ўткир Йўлдошев, электр пайвандчи Эшмирза Тожиев, қўли гул ишчи Бобоназар Жумаев, тегирмон усталари Шерали Дониёров, Қурбонназар Тошбоев, Дилмурод Очилов ва бошқалар касб сирларини ёшларга ўргатишмоқда.

Корхона маъмурияти ишловчиларни соғломлаштириш, кўнгилли дам олишлари учун барча шароитни муҳайё этган. Касаба уюшма ташкилоти ижтимоий масалаларга йил сайин катта эътибор қаратмоқда. Ҳар йили ўнлаб ишчилар имтиёзли йўлланмалар билан санаторийларга юборилмоқда. Ушбу мақсад учун бу йил 86 миллион сўм сарфлаш кўзда тутилган. Айниқса, кечки смена ишчиларига алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаяпти. Юқоридаги омилларнинг барчаси ишдаги муваффақиятни таъминламоқда.

**Ш.ҚОДИРОВ**

## БЎЛАЖАК ИҚТИСОДЧИЛАР УЧУН

***Андижон туманидаги Заврак қишлоғида 900 нафар ўқувчига мўлжалланган иқтисодий коллеж бунёд этилди.***

Коллеж қурилиши ва уни жиҳозлаш учун 1,762 миллиард сўм сарфланди. Барпо этилган бино қишлоқ чиройини янада очиб юборди. Ўқув масканидаги барча хоналар замонавий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди.

**«Туркистон-пресс».**




*Гиёҳвандлик — касофат*

***Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Қашқадарё вилоятида ҳам гиёҳванд моддалар истеъмол қилувчи ва унинг савдоси билан шуғулланувчиларга қарши кураш кучайтирилган.***

## УМР ЗАВОЛИ

– Гиёҳвандлик касалига чалинганлар бошқа дардга мубтало бўлганлардан мутлақо фарқ қилади, – дейди биз билан суҳбатда Қарши шаҳар марказий касалхонаси ҳакими Узоқ Қодиров. – Шунинг учун уларни даволашга қаратилган шошилинч чора-тадбирлар кўрилаяпти. Касалликнинг вақтида олди олинса, ҳар бир оиладаги маънавий муҳит яхшиланиб, соғлом турмуш тарзи шаклланади.

Бироқ лоқайдлик, бепарволик туфайли гиёҳвандлар ўз умрларига зомин бўлишлари билан бирга оилалари, бола-чақаларидан воз кечиб, жамиятга анча-мунча зарар келтиришаяпти. Тўғри йўлдан озган кимсаларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига чек қўйиш мақсадида ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан вилоят ҳудудида наркотик ва психотроп моддаларнинг ғайриқонуний айланишига қарши, унинг олдини олиш, гиёҳванд ўсимликлар экилган ер майдонларини аниқлаш ва йўқ қилиш, ушбу турдаги жиноятларни фош этишга йўналтирилган «Қорадори-2005» тадбири босқичма-босқич ўтказилаяпти.

Кўрилаётган чоралар самара бермоқда. Ўтказилган текширишлар давомида заҳри қотил савдоси билан шуғулланувчилар ва истеъмол қилувчилардан 5,5 килограмга яқин ҳар хил турдаги гиёҳванд моддалар олиб қўйилди.

Унга қарши курашда маҳалла-кўй, мактаб, ўрта ва олий ўқув юртлари жамоалари ва мутасадди ташкилотларнинг ўрни ўзгача. Шунинг учун ҳам Қарши Давлат университети, педагогика ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежлари, шаҳар мактаблари ўқитувчилари ўртасида гиёҳванд моддаларнинг зарари хусусида давра суҳбатлари ва мулоқотлар уюштирилди. Республика «Саломатлик» инстутининг Қарши филиали, «Маънавият ва маърифат маркази» ходимлари Чармгар, Қўрғонча, Рогузар, Дарвозатутак, Гулшан каби маҳалларда бўлишиб, оила бошлиқлари, хотин-қизлар ва ёшлар билан савол-жавоблар ўтказдилар.

Шифокорлар ва маҳалла фаоллари томонидан билдирилган фикрлар, амалга оширилаётган тадбирлар самара бериши табиий. Аммо «Сўнгги пушаймон, ўзингга душман» деганларидек эгри йўлдан қайтмайдиган, жирканч иллатларни ўзига ҳамроҳ қилиб олган кишиларнинг учраётганлиги, айниқса, хавфли. Энг ачинарлиси, гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланиб, истеъмол қилувчилар орасида хотин-қизлар бор. Она бўлишдек бахт ато этилган айрим аёлларимиз ёшларни тарбиялаб вояга етказиш ўрнига, уларнинг айримларини йўлдан уриб «оқ оғу» домига тортмоқдалар.

Ички ишлар ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида Қарши шаҳрида яшовчи Р.Бобоназарованинг уйидан 830 грам героин топилди. Аёлнинг ҳар хил баҳоналари, тавба-тазаррулари ҳеч қандай наф бермади. Унга қонунда белгиланган жазо чоралари кўрилди.

Яккабоғ туманида яшовчи Ш.Авазов, қаршилик А.Барнохўжаев кабилар ҳам гиёҳванд моддаларни сотишаётганда қўлга тушдилар. Хўш, уларнинг ноқонуний иш билан машғул бўлганлигини оила аъзолари, маҳалладошлари билишмайдими? Билишади, «Сен менга тегма, мен сенга» қабилида иш тутилганлиги, кўриб кўрмасликка олинаётганлиги оқибатида бундай хунук ҳолатлар келиб чиққан.

**И.ҲИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири**

